



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 27 апрель, № 81 (4996)

Сешанба

## ЗАМОНАВИЙ ВА ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

**Сув — ҳаёт, тириклик манбаи. Шаҳару қишлоқларимиз ободлиги, кўркамлигию бепоеён далалар, боғу роғларнинг яшнаб туриши ҳам обиҳаёт мўллиги билан боғлиқ. Айниқса, юртимизда қишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантиришда сувдан оқилона ва тежамли фойдаланишнинг аҳамияти катта. Бу борада бевосита Ўртабшумиш ташаббуси билан мамлакатимизда бир қатор чора-тадбирлар белгиланиб, уларнинг ижроси изчиллик билан таъминланаётгани ўз самарасини бермоқда.**


**К**ашқадарё вилояти далалари, боғ-роғларини меъёрида сув билан таъминлашда, хусусан, Қарши магистраль каналини ишлатиш бошқармаси насос станцияларининг ҳиссаси бекиёс. Бошқарманинг 7 та насос станцияси Амударё сувини 132 метр баландлиққа кўтариб, воҳанинг 7 та туманини обиҳаёт билан таъминлаб келмоқда.

Хукуматимизнинг қўллаб-қувватлаши ва саъй-ҳаракати билан насос станцияларини техник қайта жиҳозлаш ҳамда модернизация қилишга катта эътибор қаратилаётир. Шу боис иш жараёнида узилишлар бўлмапти.

— Бизда 9 та агрегат ўрнатилган бўлиб, шунинг 5 таси мунтазам ишлаб турибди, — дейди 7-насос станцияси бошлиғи Зайниддин Хидиров. — 1 миллиард 525 миллион куб метр сув сигимига эга «Таллимаржон» сув омборига секундига 125 куб метр сув кўйлабмиз. Майдони 77 квадрат километрни ташкил этувчи бу сув омборига обиҳаётнинг мўл тўплаши воҳа галлачилиги ва пахтачилиги ривожига муҳим роль ўйнайди. Шу боис ҳам, насос станциямизда хизмат қилаётган 1000 нафарга яқин муҳандис ва техник ходим зиммасидаги юксак масъулиятни ҳис қилган ҳолда меҳнат қилмоқда.

**СУРАТДА:** 7-насос станцияси бошлиғи Зайниддин Хидиров ва навбатчи муҳандис Нуриддин Салаев.

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.



### Жараён

**ЖИЗЗА**Хда 2010 йилнинг биринчи чорағида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва келгусидаги энг муҳим устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокими С. Исмоилов бошқарган йиғилишда таъкидландики, жорий йилнинг дастлабки уч ойлигида вилоятда ўтган йилнинг қишлоқ жойларига тўғри келди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ёшларнинг таълим-тарбия олишлари учун қўлай шарт-шароитлар яратиш борасида белгиланган тадбирларнинг изчил амалга оширилиши ҳам таъминланмоқда. Ўтган давр мобайнида бу йўналишга 32,2 миллиард сўмлик маблағ сарфланди.

Ҳисобот даврида эришилган ютуқлар билан бирга, хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги таъкидланиб, уларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланганлиги таъкидланди.

Ийгиликда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Фаниев иштирок этди.

**У. АДИЛОВ.**  
\*\*\*  
**НАВОИЙ**да 2010 йилнинг биринчи чорағида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда навбатдаги устувор вазифаларга бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими Э. Турдимов бошқарди.

Вилоятда ижтимоий-иқтисодий дастурларни изчил амалга оширишда Президентимиз Ислам Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 29 январдаги йиғилишида белгилаб берилган устувор йўналишлар муҳим омил бўлмоқда.

Иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани, биринчи навбатда, қишлоқ

## ҚУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

**Мамлакатимизга ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, жамоат хавфсизлиги вазири Мэн Цзяньчжу Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Баҳодир Матлюбов билан учрашди.**

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик кўлаб йўналишлари қатори хавфсизлик соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб таъкидланди.

Учрашувда терроризм, айирмачилик ва экстремизм, наркотрафик ва бошқа турдаги трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши курашишда, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлашда ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Учрашув яқунда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири билан Хитой Халқ Республикаси Жамоат хавфсизлиги вазири ўртасида 2010—2011 йилларда ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида идоралараро протокол имзоланди.

(ЎЗА).

## ҚИШЛОҚ АҲЛИ УЧУН КЎРКАМ УЙЛАР

**Бугунги кунда юртимизнинг нафақат шаҳарлари ва туман марказлари, ҳатто қишлоқлари ҳам улкан қурилиш майдонига айланганга катта кичик гувоҳ бўлиб турибди. Жойларда ана шундай бунёдкорлик ишларини амалга оширишда, табиийки, давлатимиз раҳбарининг қарорлари муҳим дастуриямал бўлмоқда.**

Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 29 январдаги «Уй-жой фондиди фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбир тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, иختисослаштирилган қурилиш-таъмирлаш корхоналари, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 мартдаги қарорига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий «Қишлоқ қурилиш сервис» корхоналари ташкил этилиб, давлат рўйхатидан ўтказилди ҳамда уларнинг штат жадваллари ва устувлари тасдиқланган ҳолда, банкларда ҳисоб рақамлари очилди. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида эса 42 та қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 847 та уй-жой қурилиши режалаштирилди. Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 октябрдаги «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси иштирокида уй-жойлар қуриш-

ни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, буюртмачининг асосий вазифалари белгилаб берилди. Айни кунларда жойлар-да ушбу қарорлар ижросини бажариш бўйича муайян ишлар рўёбга чиқарилмоқда.

Кувонарлиси, 2009 йилда қурилиши бошланган объектларда бугунги кунгача 45 млрд. сўмликдан зиёдор ҳажмда қурилиш-монтаж ишлари ўздаланиб, асосий ишлар тўғалди. Уй-жойларни Давлат қабул комиссиясига топшириш жараёни эса ниҳоятга етказилмоқда.

Гап шундаки, ҳозирга қадар Қорақалпоғистон Республикасининг КеҒейли, Хўжайли ва Нукус туманларида 60 та, Бухоро вилоятининг Вобекан ва Фижудон туманларида 40 та, Жиззах вилоятининг Жиззах ва Баҳмал туманларида шунча, Қашқадарё вилоятининг Қарши, Қамаш, Қасби, Китоб ва Гузор туманларида 100 та, Навоий вилоятининг Қармана, Қизилтепа ва Нурота туманларида 60 та, Наманган вилоятининг Наманган ва Поп туманларида 47 та, Самарқанд вилоятининг

## Бир рақам шарҳи

**Жорий йилнинг биринчи чорағида республикамизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 7 фоизга ўсди.**

**САНОАТИМИЗ РИВОЖИНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ**  
Мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, маҳсулот таннархини пасайтириш, кооперация алоқаларини кенгайтириш борасида изчил амалга оширилаётган чора-тадбирлар, солиқ ва боғжона тўловларида қўлланилаётган имтиёзлар соҳада ана шундай муваффақиятларга эришишнинг гарови бўлди.

Шу йилнинг 8-9 май кунлари Хива шаҳрида навбатдаги «Асрлар садоси» фестивали бўлиб ўтди.

## АСРЛАРНИНГ БОҚИЙ САДОСИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ишхотлар ҳамюртларимиз онги, дунёқарашининг тубдан ўзгариши, баркамол авлодни вояга етказишда, тарихимиз, миллий маданиятимиз, санъатимизга ҳақон миқёсида эътибор ва қизиқишнинг ортиб боришида муҳим омил бўлмоқда.

Жорий йилнинг 8-9 май кунлари «Фонд Форум» томонидан Хива шаҳрида ўтказилган «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали бу йўналишдаги ишларнинг ёрқин тасдиғидир. Халқаро миқёсда эътироф этилиб, нуфузи тобора ортиб бораётган ушбу санъат, маънавий ва маърифат байрамида ҳар қачонгидан-да кўп меҳмонлар иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

«Фонд Форум» миллий маънавиятимиз сарчамаларини қайта тиклаш, асраб-авайлаш, ривожлантириш, бу борада эришилган ютуқ ва янгилардан халқимиз ҳамда ҳақон жамоатчилигини хабардор этишга фаол ҳисса қўшиб келаётган жамоат ташкилотларидандир.

(Давоми 2-бетда).

## ҚИРГИЗИСТОНГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ КЎРСАТИЛДИ

**Кўни-кўшни ва дўстларга кўмак бериш, ҳамдард бўлиш халқимизга хос олижаноб фазилатлардан. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон ҳукумати жиддий зарар кўрган Қирғизистон Республикасига биринчилардан бўлиб беғараз инсонпарварлик ёрдами кўрсатди.**

Ўзбекистон ҳукумати томонидан жорий йилнинг 24 апрель кунини Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманидаги «Савай» темир йўл бекатидан қўшни мамлакатга инсонпарварлик ёрдами жўнатилди. Инсонпарварлик ёрдами 30 тонна ун, 200 тонна минерал ўғит, 150 тонна цемент, қурилиш материаллари, кийим-кечак, дори-дармон, тиббий асбоб-ускуналар ва бошқа материаллардан иборат.

Қирғизистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатилишини юртдошларимиз қўллаб-қувватлади.

— Ота-боболаримиз бир дарёдан сув ичган, туташ ерларда дехқончилик қилган, — дейди «Нуроний» жамғармасининг Қўрғонтепа тумани бўлими раиси Мамасоли Сиддиқов. — Шунинг учун қўшниларимизга ёрдам берилишини биз чин дилдан қўллаб-қувватлаймиз, буни халқимизнинг бағрикенглигидан далолат, деб биламиз.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ва Қирғизистон халқлари ўртасидаги дўстлик аънаналари барқарор. Ушбу аънамага мувофиқ, дўсту биродарларга кўмақдош бўлиш муқаддас бурчдир. Ҳукуматимиз томонидан Қирғизистон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатилишини икки халқнинг дўстлиги мустаҳкамлигини яна бир қарра тасдиқлайди.

— Халқларимиз азалдан бири-бирига елкадош бўлиб келган, — дейди Қирғизистон Республикаси факуллода вазиылар вазири ўринбосари Муҳаммад Қосималиев. — Ўзбекистон биринчилардан бўлиб Қирғизистонга ёрдам қўлини чўзгани учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати-дан беҳад миннатдоримиз.

**М. СУЛАЙМОНОВ,**  
ЎЗА муҳбири.







